



MOLIYA VA BANK ISHI

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BANK-MOLIYA AKADEMIYASI ILMYJ JURNALI



ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ КОМПАНИЯЛарНИНГ ТАШҚИ САВДО ФАОЛИЯТИНИ КРЕДИТЛАШ АМАЛИЁТИНИ ИННОВАЦИЯЛар АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Маърифат Ибодуллаева

Тошкент давлат иқтисодиёт университети доценти, PhD
Ёзишмалар учун электрон почта: m_ibodullayeva@mail.ru

Мақола ҳақида маълумот

Топширилган вақти: 25.02.2024
Қабул қилинган вақти: 25.02.2024

Аннотация

Тижорат банкларининг кредитлари компанияларнинг ташқи савдо фаолиятини молиялаштиришнинг асосий манбаларидан бири ҳисобланади. Хусусан, банкларнинг овердрафт кредитлари импорт бўйича тўловларнинг узлуксизлигини таъминлаш имконини берса, факторинг кредитлари экспортёрларнинг дебитор қарздорлигини айланиш тезлигини оширади.

Мақолада республикамиз тижорат банкларининг компанияларнинг ташқи савдо фаолиятини кредитлаш амалиётини инновациялар асосида такомиллаштиришга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқилган. Жумладан, очиқ ҳисобрақамлар бўйича ҳисоблашишда импорт тўловларини амалга ошириш узлуксизлигини банкларнинг овердрафт кредитлари ҳисобидан таъминлаш имконияти асослаб берилган.

IMPROVING COMMERCIAL BANKS' PRACTICE OF LENDING THE FOREIGN TRADE ACTIVITY OF COMPANIES ON THE BASIS OF INNOVATION

Marifat Ibodullaeva

Associate Professor at Tashkent State University of Economics, PhD
Corresponding author email: m_ibodullayeva@mail.ru

ARTICLE INFO

Received: 25.02.2024
Accepted: 25.02.2024

Abstract

Loans from commercial banks are one of the main sources of financing foreign trade activities of companies. Thus, overdraft loans from banks make it possible to ensure uninterrupted payments for imports, and factoring loans accelerate the turnover of receivables of exporters.

The article develops scientific proposals aimed at improving the practice of lending to commercial banks of the republic and the foreign trade activities of companies based on innovation. In particular, the possibilities of ensuring uninterrupted payments for imports through overdraft loans from banks when making payments on an open account are substantiated.

Key words: *commercial bank, company, export, import, loan, open account, overdraft, guarantee.*

Кириш

Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясида (ПФ-60) мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш ва унинг жозибадорлигини ошириш, келгуси беш йилда 120 миллиард АҚШ доллари, жумладан 70 миллиард доллар хорижий инвестицияларни жалб этиш чораларини кўриш, республиканинг экспорт салоҳиятини ошириш орқали 2026 йилда республика экспорт ҳажмларини 30 миллиард АҚШ долларига етказиш мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантиришнинг устувор йўналишлари сифатида эътироф этилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чоратадбирлар тўғрисида”ги фармонида (ПФ-5177) валюта ресурсларидан фойдаланишда бозор инструментларининг ролини ошириш, валюта бозорида барча хўжалик юритувчи субъектлар учун тенг рақобат шароитларини яратиш, валюта сиёсатининг ноанъанавий тармоқларда экспортни ривожлантиришда, миңтақавий ва халқаро иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлашда рағбатлантирувчи ролини ошириш валюта сиёсатини либераллаштиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган.

Юқорида қайд этилган ҳолатлар компанияларнинг ташқи савдо фаолиятини мoliaлаштириш амалиётини ва унинг муҳим таркибий қисми бўлган кредитлаш амалиётини инновациялар асосида такомиллаштириш заруриятини юзага келтиради.

Адабиётлар шарҳи

М. Мартенсен (Мартенсен, 2010) амалга оширган илмий тадқиқот натижалари кўрсатди, хорижий банклар саноат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи йирик миллий экспортёrlарни кредитлаш орқали уларнинг ташқи бозорларда хорижий компаниялар билан рақобат қилишида муҳим роль ўйнагани ҳолда, ўзлари ҳам ташқи савдони мoliaлаштириш манбаларини диверсификация қилиш имконига эга бўлади.

М. Мартенсеннинг мазкур тадқиқоти натижалари республикамиз банкларининг компанияларнинг ташқи савдо фаолиятини кредитлаш амалиёти учун амалий аҳамият қасб этади. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, тижорат банкларининг кредитлари ҳисобидан импорт бўйича тўловларнинг узлуксизлигини таъминлаш компанияларнинг экспорт салоҳиятини оширишда катта аҳамиятга эга; иккинчидан, республикамиз банклари компанияларнинг ташқи савдо фаолиятини кредитлаш учун зарур бўлган ресурсларни халқаро ссуда капиталлари бозоридан ва халқаро фонд бозоридан жалб қилиш йўли билан ўзларининг ташқи савдони мoliaлаштириш манбаларини диверсификация даражасини оширишлари мумкин.

О.Грязнованинг (Грязнова, 2010) хulosасига кўра, ташқи савдони мoliaлаштиришнинг анъанавий бўлмаган шаклларидан фойдаланиш экспорт

таркибини диверсификация қилиш ва импорт ҳажмини қисқартириш имконини беради.

Д.Лопатинанинг (Лопатина, 2009) фикрига кўра, халқаро факторинг ташқи савдони мoliaлаштиришнинг самарали замонавий механизми ҳисобланади. У нафақат экспортёрнинг жорий фаолиятини кредитлаш, балки унинг кредит рискини минималлаштириш, халқаро бизнесни юритиш билан боғлиқ бўлган номаълум қонунчилик, хорижий тил, дебитор қарздорликни ундиришнинг номаълум тартиби, контрагентнинг мамлакатидаги савдо амалиёти каби муаммоларни ҳал қилиш имконини ҳам беради.

Ҳақиқатдан ҳам, халқаро факторинг ташқи савдони кредитлаш шакли бўлиб, у экспортёрнинг хорижий валюталадаги дебитор қарздорлигининг айланиш тезлигини ошириш, кредит рискини камайтириш имконини беради.

А.Глориозов ва Д.Михайлоловларнинг (Глориозов, Михайллов, 2011) хulosасига кўра, экспорт-импорт операцияларини банклар томонидан мoliaлаштириш жараёнида юзага келадиган иқтисодий ва сиёсий рисклардан ҳимояланиш учун қўйидаги ҳисоб-китоб шакллари ва тўлов усуllibаридан фойдаланиш мақсадга мувофиқ:

- хужжатсиз инкассо;
- соф инкассо;
- хужжатли инкассо;
- авансли ўтказма;
- стэнд-бай аккредитив;
- чақириб олинмайдиган аккредитив;
- очиқ ҳисобрақамлар бўйича ҳисоблашиш.

Фикримизча, очиқ ҳисобрақамлар бўйича ҳисоблашиш иқтисодий ва сиёсий рисклардан ҳимояланиш имконини бермайди. Чунки, ҳисоблашишларнинг ушбу турида жўнатиладиган товарлар суммаси олдиндан экспортёрнинг банкида очилган очиқ ҳисобрақамга ўтказиб берилади. Товарларни жўнатилганлигини тасдиқловчи хужжатлар экспортёрнинг банкига берилгандан сўнг экспорт тушуми суммаси очиқ ҳисобрақамдан экспортёрнинг жорий ҳисобрақамига ўтказиб берилади. Лекин экспортёрнинг банки ҳам тўлов юзасидан жавобгар ҳисобланмайди. Айтайлик, импортёрнинг банкида сиёсий рискнинг чуқурлашиши натижасида тижорат банкларининг хорижий валюталардаги “Ностро” вакиллик ҳисобрақамларидан тўловларни амалга ошириш тўхтатилди. Бунинг натижасида экспортёр экспорт тушумини ола олмайди. Чунки, импортёр жўнатиладиган товарларнинг суммасини экспортёрнинг банкида очилган очиқ ҳисобрақамга ўтказа олмайди. Демак, очиқ ҳисобрақамлар бўйича ҳисоблашиш экспортёри сиёсий рискдан ҳимоя қилиш имконини бермайди.

Очиқ ҳисобрақамлар бўйича ҳисоблашишда экспорт қилинган товарлар бўйича тўловларни амалга ошириш кафолатланмаган. Шу сабабли, бир-бiriни яхши билмайдиган, яъни бир-бири билан эндиғина ташқи савдо муносабатлари киришаётган ташқи савдо муносабатлари субъектлари учун очиқ ҳисобрақамлар бўйича ҳисоблашиш юқори рискли

ҳисобланади. Шу нуқтаи-назардан олиб қараганда, очик ҳисобрақмалар бўйича ҳисоблашишни бир-бирлари учун ишончли ҳамкор ҳисобланган ташқи савдо муносабатларининг сұйектлари ўртасида қўлланилиши маъқул.

Ф.Ахмедовнинг (Ахмедов, 2017) фикрига кўра, анъанавий форфейтингни республикамиз амалиётида қўллаб бўлмаслигининг асосий сабаби шундаки, республикамизда экспортчи ва импортчи корхоналарнинг биронтаси ҳам халқаро рейтинг агентликларининг рейтинг баҳоларига эга эмас. Шу сабабли, улар томонидан акцептланган тижорат векселларини хорижий банклар сотиб олмайди.

Н.Жумаевнинг (Жумаев, 2008) фикрига кўра, республикамизда сўмдаги депозитлар ва кредитларнинг бозор ставкаларининг бекарорлиги сақланиб қолмоқда. Бу эса, форвард курсларининг барқарорлигига нисбатан салбий таъсирни юзага келтиради. Депозитлар ва кредитларнинг фоиз ставкалари устама ва дисконтнинг даражасини белгиловчи омил ҳисобланади. Устама ва дисконт эса, форвард курсини спот курсидан фарқлантирувчи ягона омил ҳисобланади.

Ж.Мажидовнинг (Мажидов, 2020) хulosасига кўра, миллий валютанинг қадрсизланиш суръатининг юқори эканлиги сабабли хўжалик юритувчи субъектларнинг кредит тўловига лаёқатлилиги пасаймоқда, инфляция ва миллий валютанинг девальвация суръатининг юқорилиги натижасида тижорат банклари томонидан миллий валютада ёзилган қимматли қофозларга қилинган инвестицияларнинг реал қиймати пасаймоқда. Ҳақиқатдан ҳам, 2017 йил сентябрь ойида миллий валютани хорижий валюталарга нисбатан кескин қадрсизлантирилганлиги хўжалик юритувчи субъектларнинг хорижий валюталарда олган кредитларни қайтариш билан боғлиқ бўлган харажатлари суммасини кескин ошишига олиб келди.

И.Алимардоновнинг (Алимардонов, 2018) таклифи бўйича, кичик бизнес субъектларининг (шу жумладан, аграр соҳада фаолият юритаётган кичик

бизнес субъектларининг) ташқи савдо фаолиятини кредитлаш амалиётини тacomиллаштириш учун уларнинг хужжатлаштирилган аккредитивлар воситасида амалга ошириладиган тўловларини тижорат банкларининг муддатли ва овердрафт кредитлари ҳисобидан тўланишини жорий қилиш керак.

Тадқиқот методологияси

Илмий тадқиқотни амалга оширишда эксперт баҳолаш усулидан, қиёсий, таркибий ва трендли таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқот жараёнида Ўзбекистон Республикасининг Президенти хузуридаги Давлат статистика агентлигининг статистик маълумотларидан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг статистик маълумотларидан ва АТ "Асакабанк"нинг амалий маълумотларидан фойдаланилди.

Шунингдек, илмий тадқиқотни амалга ошириш жараёнида ташқи савдони кредитлашнинг инновацион шаклларидан фойдаланиш борасидаги илғор хориж тажрибасига оид бўлган амалий ва фактологик маълумотлардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси

Компанияларнинг ташқи савдо фаолиятини ривожлантириш мамлакатнинг экспорт салоҳиятини оширишнинг зарурӣ шарти ҳисобланади. Ўз навбатида, уларнинг ташқи савдо фаолиятини ривожлантириш бевосия мазкур фаолиятини молиялаштириш амалиётини тажрибасига боғлиқ. Тижорат банкларининг ташқи савдони кредитлаш амалиёти эса, компанияларнинг ташқи савдо фаолиятини молиялаштириш тизимининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Чунки, тижорат банкларининг кредитлари экспорт ва импорт қилинган товарлар бўйича тўловларни амалга ошириш узлуксизлигини таъминлаш имконини беради.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида экспорт ва импортнинг ҳажми ва динамикаси¹

Кўрсаткичлар	31.12.2020й.	31.12.2021й.	31.12.2022й.	31.12.2023й.	2023 йилда 2022 йилга нисбатан ўсиш суръати, %
Экспорт, млрд. АҚШ доллари	15,1	16,6	19,7	24,4	161,6
Импорт, млрд. АҚШ доллари	21,2	26,5	30,8	38,1	179,7

1-жадвал маълумотларидан кўринадики, Ўзбекистон Республикасида экспортнинг ҳажми 2020-2023 йиларда ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бунинг устига, экспортнинг ҳажми 2023 йилди 2020 йилга нисбатан юқори суръатда ўсан.

1-жадвал маълумотларидан кўринадики, республикамизда импортнинг ҳажми 2020-2023

йиларда ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бунинг устига, импортнинг ҳажми 2023 йилди 2020 йилга нисбатан юқори суръатда ўсан. Бироқ, таҳлил қилинган давр мобайнида импорт ҳажмининг ўсиш суръати экспорт ҳажмининг ўсиш суръатидан юқори бўлган.

Эътироф этиш жоизки, Ўзбекистон

¹ Жадвал муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикасининг Президенти хузуридаги Давлат статистика агентлигининг статистик маълумотлари асосида тузилган.

Республикасининг ташқи савдо айланмаси йирик миқдордаги дефицитга эга. 2023 йилнинг 31 декабрь ҳолатига кўра, мамлакат ташқи савдо балансининг дефицити 13715 млн. АҚШ долларини ташкил этди [12].

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан чет эл валюталарида берилган кредитларнинг ҳажми ва даражаси²

Кўрсаткичлар	31.12.2020й.	31.12.2021й.	31.12.2022й.	31.12.2023й.
Чет эл валюталарида берилган кредитларнинг ҳажми, млрд. сўм	48 167	63 982	70 464	77 902
Чет эл валюталарида берилган кредитларнинг даражаси, %	37,9	38,5	34,7	30,9

2-жадвал маълумотларидан кўринадики, республикамизнинг тижорат банклари томонидан чет эл валюталарида берилган кредитларнинг ҳажми 2020-2023 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бироқ, чет эл валютасидаги кредитларнинг мамлакат тижорат банклари кредитларининг умумий

Кўйидаги жадвал маълумотлари орқали республикамиз банклари томонидан чет эл валюталарида берилган кредитларнинг ҳажми ва даражасига баҳо берамиз (2-жадвал).

2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан чет эл валюталарида берилган кредитларнинг ҳажми ва даражаси²

Кўрсаткичлар	31.12.2020й.	31.12.2021й.	31.12.2022й.	31.12.2023й.
Чет эл валюталарида берилган кредитларнинг ҳажми, млрд. сўм	48 167	63 982	70 464	77 902
Чет эл валюталарида берилган кредитларнинг даражаси, %	37,9	38,5	34,7	30,9

ҳажмидаги салмоғи 2021-2023 йилларда пасайиш тенденциясига эга бўлган.

Энди Акциядорлик-тижорат "Асакабанк" мисолида компанияларнинг ташқи савдо фаолиятини кредитлаш амалиёти таҳлилини давом эттирамиз.

3-жадвал

АТ "Асакабанк" томонидан ташқи савдони молиялаштириш учун берилган кредитларнинг ҳажми ва даражаси³

Кўрсаткичлар	31.12.2020й.	31.12.2021й.	31.12.2022й.	31.12.2023й.
Ташқи савдони молиялаштириш кредитлари ҳажми (соф), млрд. сўм	22 071	26 665	24802	25 925
Ташқи савдони молиялаштириш кредитларининг брутто кредитларга нисбатан даражаси, %	66,8	72,4	69,5	67,2

3-жадвал маълумотларидан кўринадики, Асакабанк томонидан компанияларнинг ташқи савдони молиялаштириш учун берилган кредитларнинг ҳажми 2022 йилда 2021 йилга нисбатан сезиларли даражада камайган, бироқ, 2023 йилда 2022 йилга нисбатан сезиларли даражада ошган.

3-жадвал маълумотларидан кўринадики, Асакабанк томонидан компанияларнинг ташқи савдони молиялаштириш учун берилган

кредитларнинг соф кредитларнинг умумий ҳажмидаги салмоғи 2021-2023 йилларда пасайиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, мазкур даврда миллий валутада берилган кредитларнинг Асакабанк соф кредитларининг умумий ҳажмидаги салмоғини ошгапнлиги билан изоҳланади.

Асакабанкнинг чет эл валюталарида кредитлар бериш имконияти бевосита валюта операцияларининг самарадорлигига боғлиқ (4-жадвал).

4-жадвал

Акциядорлик – тижорат "Асакабанк" валюта операцияларининг даромадлилиги ва ризк даражалари, фоизда⁴

Кўрсаткичлар	31.12.2020й.	31.12.2021й.	31.12.2022й.	31.12.2023й.
Валюта операцияларидан олинган даромадларнинг фоизли даромадлар ҳажмидаги салмоғи	44,1	16,1	25,9	19,0
Валюта операцияларидан кўрилган заарларнинг фоизсиз харажатлар ҳажмидаги салмоғи	27,1	57,8	78,0	66,2

4-жадвал маълумотларидан кўринадики, 2023 йилда 2020 йилга нисбатан Асакабанкнинг валюта

операцияларидан олган даромадларининг фоизсиз даромадларнинг умумий ҳажмидаги салмоғи юқори


2 Жадвал муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг статистик маълумотлари асосида тузилган.

3 Жадвал муаллиф томонидан АТ "Асакабанк"нинг баланс маълумотлари асосида тузилган.

4 Жадвал муаллиф томонидан АТ "Асакабанк"нинг баланс маълумотлари асосида тузилган.

суръатларда ошган. Мазкур даврда Асакабанкнинг валюта операцияларидан кўрган заарларининг фоизсиз харажатлар ҳажмидаги салмофи юқори даража ошган. Бу эса, банкнинг валюта операцияларининг самарадорлигини таъминлаш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, компанияларнинг тижорат банкларининг чет эл валютасидаги кредитларидан фойдаланиш имконияти бевосита ушбу кредитларнинг фоиз ставкаларининг даражасига боғлик.



1-расм. АТ “Асакабанк”нинг чет эл валюталаридағи кредитларининг ўртача йиллик фоиз ставкаси, фоизда⁵

1-расм маълумотларидан кўринадики, АТ “Асакабанк”нинг чет эл валюталаридағи кредитларининг ўртача йиллик фоиз ставкаси 2021-2023 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, компанияларнинг Асакабанкнинг чет эл валютасидаги кредитларидан фойдаланиш даражасини оширишга тўсқинлик қиласди.

Хулоса ва таклифлар

Илмий тадқиқотни амалга ошириш жараёнида қуидаги хулосаларни шакллантиридик:

* тижорат банкларининг кредитлари ҳисобидан импорт бўйича тўловларнинг узлуксизлигини таъминлаш компанияларнинг экспорт салоҳиятини ошириш имконини бергани ҳолда, банкларнинг ўзи компанияларнинг ташқи савдо фаолиятини кредитлаш учун зарур бўлган ресурсларни халқаро ссуда капиталлари бозоридан ва халқаро фонд бозоридан жалб қилиш йўли билан ўзларининг ташқи савдони молиялаштириш манбаларини диверсификация даражасини оширишлари мумкин;

* халқаро факторинг ташқи савдони кредитлаш шакли сифатида экспортёрнинг хорижий валюталадаги дебитор қарздорлигининг айланиш тезлигини ошириш, кредит рискини камайтириш имконини беради;

*очиқ ҳисобрақамлар бўйича ҳисоблашиш иқтисодий ва сиёсий рисклардан ҳимояланиш имконини бермайди ва ҳар иккала банк экспортёрнинг банки ҳам, импортёрнинг банки ҳам тўлов юзасидан жавобгар ҳисобланмайди;

*Ўзбекистон Республикасида экспортнинг ҳажми 2020-2023 йиларда ўсиш тенденциясига эга бўлгани ҳолда, экспортнинг ҳажми 2023 йилди 2020 йилга нисбатан юқори суръатда ўсган;

* республикамизда импортнинг ҳажми 2020-2023 йиларда ўсиш тенденциясига эга бўлган, бироқ, таҳлил қилинган давр мобайнида импорт ҳажмининг ўсиш суръати экспорт ҳажмининг ўсиш суръатидан юқори бўлган;

*республикамизнинг тижорат банклари томонидан чет эл валюталарида берилган кредитларнинг ҳажми 2020-2023 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган, бироқ, чет эл валютасидаги кредитларнинг мамлакат тижорат банклари кредитларининг умумий ҳажмидаги салмофи 2021-2023 йилларда пасайиш тенденциясига эга бўлган;

*Асакабанк томонидан компанияларнинг ташқи савдони молиялаштириш учун берилган кредитларнинг соғ кредитларнинг умумий ҳажмидаги салмофини 2021-2023 йилларда пасайиш тенденциясига эга бўлганлиги мазкур даврда миллий валютада берилган кредитларнинг соғ кредитларининг умумий ҳажмидаги салмофини ошгапнлиги билан изохланади;

* 2023 йилда 2020 йилга нисбатан Асакабанкнинг валюта операцияларидан олинган даромадларининг фоизсиз даромадлари ҳажмидаги салмофини юқори суръатда пасайганлиги ва валюта операцияларидан кўрган заарларининг фоизсиз харажатлар ҳажмидаги салмофини юқори даража ошганлиги банкнинг валюта операцияларининг самарадорлигини таъминлаш нуқтаи-назаридан

⁵ Расм муалиф томонидан АТ “Асакабанк”нинг баланс маълумотлари асосида тузилган.

салбий ҳолат ҳисобланади;


*Асакабанкнинг чет эл валюталаридағи кредитларининг ўртача йиллик фоиз ставкасини 2021-2023 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлганилиги компанияларнинг Асакабанкнинг чет эл валютасидаги кредитларидан фойдаланиш даражасини оширишга тўқсиялик қиласди.

Фикримизча, тижорат банкларининг компанияларнинг ташқи садо фаолиятини кредитлаш амалиётини инновациялар асосида такомиллаштириш учун куйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

- Компанияларнинг техника ва технологиялар шаклидаги инвестицион товарлар импорти бўйича тўловларини ўз вақтида ва тўлиқ тўланишини республикамиз банклари учун инновацион кредитлаш шакли бўлган контокоррент кредитлари ҳисобидан таъминлаш мақсадида, биринчидан, фақат соф келтирилган қиймат (Net present value), қоплашнинг дисконтлашган муддати (Pay-back period) ва рентабелликнинг ички мөъёри (Internal rate of return) кўрсаткичлари бўйича самарадорлигини нисбатан юқори бўлган инвестиция лойиҳалари учун импорт қилинаётган инвестицион товарлари

суммасини контокоррент кредитлари ҳисобидан тўлаш керак; иккинчидан, сифатсиз инвестицион товарлар етказиб берилишини ва инвестицион товарларни умуман етказиб берилмаслиги рискини олдини олиш мақсадида хорижий экспортчи компания банкининг инвестицион товапрларнинг сифати юзасидан бериладиган кафолатидан фойдаланиш зарур; учинчидан, контокоррент кредити бўйича кредит риски даражасини ошиб кетишига йўл кўймаслик мақсадида кредит шартномасида кредит олувчига ҳар ойнинг охирги иш кунида контокоррент ҳисобрақамининг кредитли қолдигини таъминлаш мажбуриятини юклаш лозим.

- Дунё бўйича халқаро савдони молиялаштириш тизимида энг юқори улушни “очиқ ҳисобрақамлар бўйича ҳисоблашиш” шартига асосланган тўловлар эгаллашини [13] ҳисобга олиб, республикамиз компанияларининг ташқи савдо фаолиятини молиялаштириш тизимига “очиқ ҳисобрақамлар бўйича ҳисоблашиш” шартини жорий қилиш ва очиқ ҳисобрақамга ўтказиладиган тўлов суммасини банкларнинг кредитлинияси доирасида бериладиган кредитлар ҳисобидан тўланишини йўлга кўйиш керак.



2-расм. Компанияларнинг ташқи савдо фаолиятини молиялаштириш тизимида “очиқ ҳисобрақамлар бўйича ҳисоблашиш” шартидан фойдаланиш тартиби⁶

Операцияларнинг номи:

- ташқи савдо шартномасини имзолаш.
- экспортёрининг банки етказиб бериладиган инвестицион товарларнинг сифати бўйича кафолат беради.
- экспортёр ўзининг банки берган кафолатни импортёрга жўнатади.
- импортёр товарларнинг етказиб бериладиган партиясининг суммасини тўлаш учун тўлов топшириқномаси ёзади.
- импортёрининг банки тўлов топшириқномасига

асосан тўловни амалга оширади.

6 – импортёрининг банки экспортёрининг банкини 5-операция бажарилганлиги тўғрисида ёзма рвишда хабардор қиласди.

7 – экспортёрининг банки тўлов суммасини очиқ ҳисобрақамга ўтказади.

8 – экспортёрининг банки экспортёри пул келиб тушганлигидан хабардор қиласди.

9 – экспортёр товарларни жўнатади.

10 – экспортёр товар хужжатларини ўзининг банкига узатади.

⁶ Муаллифнинг шахсий ишланмаси.

- 11 – экспортёрнинг банки тўлов суммасини очиқ ҳисобрақамдан олиб экспортёрнинг жорий ҳисобрақамига ўтказади.
- 12 – экспортёрнинг банки товар хужжатларини импортёрнинг банкитга жўнатади.
- 13 – импортёрнинг банки товар хужжатларини қабул қилиб олади.
- 14 – импортёрнинг банки товар хужжатларини импортёрга беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони (2022). 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида//www.lex.uz.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони (2017). Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида//Ўзбекистон Республикаси Конун хужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. – №36.- 945-модда.
3. Martensen M. (2010). Rethinking strategies//Trade Finance Magazine, September. – P. 59.
4. Грязнова О.С. (2010). Банковское кредитование эспорта в международной торговли//
5. Лопатина Д.А. (2009). Международный факторинг как инструмент финансирования: основы правовой регламентации//Банковское право. – Режим доступа: <http://www.lawmix.ru/bux/32633/>-Дата доступа: 09.10.2013.
6. Глориозов А.Г., Михайлов Д.М. Внешнеторговое финансирование и гарантийный бизнес. – М.: Юрайт, 2011. – С. 207-208.
7. Ахмедов Ф.Х. Ўзбекистонда тижорат банкларининг ташки савдога кўрсатадиган хизматларини такомиллаштириш. И.ф.б.ф.д. автореф. – Тошкент, 2017. – 47 б.
8. Жумаев Н.Х. Ўзбекистонда валюта муносабатларини тартибга солиш методологиясини такомиллаштириш. И.ф.д. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2008. – 32 б.
9. Мажидов Ж.К. Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари активлар портфелларининг сифатини ошириш йўллари. И.ф.б.ф.д. автореф. – Тошкент, 2020. – 54 б.
10. Алимардонов И.М. Кичик бизнес субъектларини кредитлашнинг услубий ва амалий асосларини такомиллаштириш. И.ф.д. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2018. – Б. 29.
11. An ICC Banking Commission Market Intelligence Report. Global Survey. Rethinking Trade Finance 2022//www.world.com (Жаҳон банки гуруҳининг расмий сайти).
12. Ташки иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси//<https://stat.uz/uz/default/press-relejlar>.
13. Market Trends Analysis of Trade Finance Products Analysis of Supply Chain Finance Analysis of Export Finance Product. 2022//www.world.com (Жаҳон

банки гуруҳининг расмий сайти).